

ТУРИСТИК ФЕСТИВАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Санаева Лола Шукурбоевна

Жиззах давлат педагогика университети,

Биология кафедраси доценти

lolashukrboyevna@jdpu.uz

Мамарахимов Ойбек Муратович

Ўзбекистон Миллий университети

Экология кафедраси доценти

oybekmamarahimov74@gmail.com

Жалилов Навфал Содиқ ўғли

Ўзбекистон Миллий университети,

Экология кафедраси магистранти

navfaljalilov@gmail.com

Аннотация. Воқеалар туризми - бу туризмнинг бир тури бўлиб, унда туристик фаолият турли хил воқеалар билан боғлиқ бўлиб ижтимоий воқеалар ёки табиат ҳодисалари билан боғлиқ. Тадбир туризмнинг асосий тематик турларига қуйидагилар қиради: миллий фестиваллар ва байрамлар, карнаваллар, театрлаштирилган шоулар, мода намоишлари, гастрономик фестиваллар, спорт тадбирлари, зиёрат, шахсий тадбирлар (тўй сафарлари ва бошқалар).

Калит сўзлар: Воқеалар туризми, фестиваллар, миллий байрамлар, тадбирлар, экотуризм фестивали.

Abstract. Event tourism is a type of tourism in which tourist activity is associated with various events related to social events or natural phenomena. The main thematic types of event tourism include: national festivals and holidays, carnivals, theatrical shows, fashion shows, gastronomic festivals, sports events, pilgrimage, personal events (wedding trips, etc.).

Keywords: Event tourism, festivals, national holidays, events, ecotourism festival.

Кириш. Ҳозирги вақтда ноёб тадбирлар ва фестиваллар туризмни ривожлантиришда жуда муҳим рол ўйнайди. Яхши режалаштирилган ва муваффақиятли ўтказилган фестиваллар янги туристик маҳсулотларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳодисавий (эвент) туризм учун мустақкам асос яратади. Чунки туристик фестиваллар даврида мамлакатларга ташриф буюрадиган туристлар сони бир неча бор ортиши статистикдан маълум.

Воқеалар туризми - бу туризмнинг бир тури бўлиб, унда туристик фаолият турли хил воқеалар билан боғлиқ бўлиб ижтимоий воқеалар ёки табиат ҳодисалари билан боғлиқ. Тадбир туризмнинг асосий тематик турларига қуйидагилар қиради: миллий фестиваллар ва байрамлар, карнаваллар, театрлаштирилган шоулар, мода намоишлари, гастрономик фестиваллар, спорт тадбирлари, зиёрат, шахсий тадбирлар (тўй сафарлари ва бошқалар).

Хориж тажрибасида ҳар йили маълум вақтда ва маълум саналарда туристик байрамлар ташкил этиш кўзда тутилиб, махсус туризм байрамлари календар ишлаб чиқилади. Жумладан Ўзбекистонда ҳам шундай туристик фестиваллар мавжуд.

Навруз: форсча янги йил, Ипак ва зираворлар фестивали, Самарқанд “Шарқ тароналари”, Тошкентдаги "Олтин куз" фестивали шулар жумласидан бўлиб, улар хорижий саёҳат учун қуйидаги ҳиссиётлар ва билимларни беради.

Тарихга қаранг: Ўзбекистон фестиваллари унинг тарихий ҳикоясига чуқур илдиз отган бўлиб, саёҳатчиларга жонли тарихга шўнғиш имконини беради.

Маданиятга шўнғиш: Ҳар бир фестиваль ўзбек маданиятининг байрами бўлиб, миллатни белгилайдиган урф-одатлар, таомлар ва хунармандчилик билан танишишни таклиф этади.

Ноёб тажриба: Самарқанд мусиқасидан тортиб Тошкент ҳосилининг таъмигача - бу фестиваллар бошқа ҳеч қаерда топиб бўлмайдиган ноёб таассуротларни такдим этади.

Фотографик саёхатлар Ёркин ранглар, анъанавий либослар ва тарихий мухит фотограф учун ҳақиқий жаннатдир.

Ҳамжамият ва меҳмондўстлик: Ўзбекистон ўзининг илиқ меҳмондўстлиги билан машҳур ва фестиваллар - бу айниқса сезиларли вақт, чунки маҳаллий аҳоли меҳмонларни байрамда кутиб олади.

Ўрганилганлик даражаси. Воқеалар туризмнинг туризмни ривожлантирилишидаги ўрни сифатида хорижий олимлардан... ва Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан... лар иш олиб борганла. Жиззах вилоятидаги туристик байрамлар ва уларнинг ахамияти ҳақида тадқиқот ишлари қилинмаган.

Тадқиқот ишининг мақсади. Жиззах вилоятнинг ҳар бир туманининг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб ўтказилиши мумкин бўлган туристик фестиваллар турлари ва уларнинг ахамиятини илмий талқин қилиш. Вилоятда экотуристлик фестивал ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқотда туризм фестиваллари ва миллий байрамларнинг туризм инфратузилмаси ривожланишини белгилашда яқин йилларда кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва шу орқали туризмнинг ривожланишини яхлит инфратузилма сифатида ўрганиш методологияси қўлланилиб, бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, қиёслаш, эмпирик тадқиқот, қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби усуллари орқали инфратузилманинг таркибий қисмлари ривожланиши йўналишларини белгилаб бериш усули таклиф этилгандир.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Хориж тажрибасига қарайдиган бўлсак бой туристик ресурсларга эга бўлган Хейлунтсзян провинцияси ҳар йили 20 дан ортиқ ноёб тадбирларни ўтказишни режалаштирмоқда. Ҳодисавий туризм платформаси орқали ноёб туристик маҳсулотларни тарғиб қилиш, ўзига хос туристик бренд яратиш ҳамда ички ва халқаро сайёҳларни жалб қилиш мақсад қилинмоқда.

Одатда туристик фестивалларнинг ташкилотчилари давлат тузилмалари, бизнес тузилмалари, диний тузилмалар, хайрия жамғармалари, сиёсий

партиялар, жамоат ҳаракатлари, тижорат ва халқаро ташкилотлар, хусусий шахслар, шунингдек туруператорлар бўлиши мумкин.

Фестиваль ташкилотчилари одатда тадбирни аниқ муддатларда ўтказиш ва уни сақлаб қолишга интилади ва узок йиллар давомидаги бу фестивални янада кўпроқ қилиш имконини беради. Ташкилотчилар фестивал ўтказилган жойнинг таниқли бўлишига, мавжуд мақсадли аудиторияни сақлаб қолиш ва жалб қилиш, янги ташриф буюрувчиларнинг сонини ошириш устида ишлайдилар. Бу ҳолатда ташриф буюрувчилар саёҳатни олдиндан режалаштириши ва банд қилишларига эришишлари мумкин.

Шундай бўлсада туристик фестивалларни ўтказида айрим человчи омиллар мавжуд бўлиб уларга об-ҳаво, чунки фестиваллар очиқ ҳавода ўтказилади, жойлаштириш воситаларининг етали бўлмасилиги яъни кўшимча ўтов ва чодирлар, чайлаларнинг йўқлиги, оқатлланиш шахобчалари ва санитария гигиена шахобчаларининг мавжуд эмаслиги ва талабга жавоб бермаслигини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ошириш мақсадида ҳукумат даражасида воқеалар туризмни қўллаб - қувватлаш мақсадида кўплаб қарор ва формойишлар чиқариди [1,2,3].

Жадвал-1

Жиззах вилояти туманлари туристик салоҳиятига кўра ташкил этилиши мумкин бўлган туристик фестиваллар рўйхати

Туманлар, туристик байрамлар	Фори	Зоми	Ғалл	Янги	Ш.Ра	Бахм	Зафа	Арна	Зарбд	Дўст	Пахт	Мирз
м и Экотуриз фестивал												

	“Тоғлар садоси” фестивали												
	Олма сайли												
	Қизғалдоқ сайли												
	“Айдарқўл” фестивали												
	Милий спорт ўйинлари												
	“Олтин куз” фестивали												
	Қовун сайли												
	Хунармандлар фестивали												
0	Шароф Рашидов байрами												

Жиззах вилоятининг туристик салоҳиятини кўзда тутга холда 2019 йилда “Олтин куз-2019” республика агротуристлик фестивали ўтказилди. Ушбу фестивал концепциясини тақдим қилмоқчимиз.

“Олтин куз-2019” республика геотуристлик фестивали доирасида ўтказиладиган сайлининг концепцияси И. Умумий қоидалар: “Олтин куз-2019” республика агротуризмлик фестивали доирасида ўтказиладиган сайлининг Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Ш.Рашидов

туманлари ва Жиззах шаҳар ҳокимлиги бошчилигида ташкил этилади. Фестивалда туман ва шаҳарларнинг маҳаллалари аҳолиси, спортчилар, ҳунармандлар марказлари, моҳир ошпазлар, фермер боғбончилиги билан шуғулланувчи тадбиркорлар, фермерлар, миришкорлар, ҳунармандлар ва иқтидорли ёшлар иштирокида бир қатор кўрик танловлар, кўргазмали чиқишлар, миллий либослар ва миллий таомлар кўргазмаси, олма ва олма маҳсулотлари ярмаркаси, фольклор жамоалари, ашула ва рақс ансамблларининг чиқишлари ташкил этилади. Тадбирга хорижий ҳамда маҳаллий ОАВлар вакиллари ҳам жалб қилинади.

Тадбирга хорижий ҳамда маҳаллий ОАВлар вакиллари ҳам жалб қилиниб бу тадбирнинг ўтказилиш ва дастурларини батафсил ёритиш билан бирга, Жиззах вилоятининг туристик салоҳияти ҳам кенг тарғиб этилди.

Жиззах вилоятининг экотуристтик салоҳиятининг юқорилиги ҳисобга олиниб "Жиззах- Экотуризм" Халқаро атроф-муҳит муҳофазаси ва экотуризм фестивалининг дастури тақдим қилинмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Ҳодисавий ривожланиш соҳасида ўтказилган тадқиқотларни сарҳисоб қилиб, туризмни ривожлантириш ва туристларни жалб қилиш бўйича кейинги чора-тадбирларни такомиллаштириш орқали яқин даврда Ўзбекистон барча имкониятлари ва ресурслари билан етакчи ўринлардан бирини эгаллай олишини таъкидлай оламиз. Жумладан Жиззах вилоятидаги ҳар бир туманнинг этнографияси, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятидан келиб чиқиб воқеалар туризми туман ҳудудлардаям янги турларга йўл очади. Туризм, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштиради, янги иш ўринлари яратади, яхшилайти. Шу соҳада фаолият юритаётган маркетинг соҳаси ва мутахассислар фаолияти такомиллаштириб, шунингдек, уларнинг жаҳон бозоридаги мамлакатлар орасида ҳам танилиш даражасини оширади.

Фодаланилган адабиётлар ва манбаалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда

махаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги пқ-135-сон қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги “Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-9-сон Фармони

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризм я ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 646-сон қарори **PQ-135 (2023)** – туризмни ривожлантириш чоралари

4. <https://eurasia.travel/ru/uzbekistan/tourism/festivals/>

5. Стрембицкая Лилия Игоревна. ФЕСТИВАЛЬНЫЙ ТУРИЗМ КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОБЫТИЙНОГО ТУРИЗМА. Научно-образовательный журнал для студентов и преподавателей «StudNet» №10/2020

6. Усманова А. СОБЫТИЙНЫЙ ТУРИЗМ И ЕГО РАЗВИТИЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

7. Л.Санаева.ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙЙ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ. Qo‘qon DPI. Ilmiy xabarlar 2025-yil 9-son

8. Л.Санаева.ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ЭКОТУРИСТИК РАЙОНЛАШТИРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 2023-6/2 , Хива-2023